



International Science Group

ISG-KONF.COM

**XIX
INTERNATIONAL SCIENTIFIC
AND PRACTICAL CONFERENCE
"MODERN PROBLEMS IN SCIENCE"**

**Vancouver, Canada
May 17 - 20, 2022**

ISBN 979-8-88680-827-8

DOI 10.46299/ISG.2022.1.19

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ТЕОДОР ДРАЙЗЕРНИНГ АСАРЛАРИДА НАТУРАЛИЗМ ТАМОЙИЛЛАРИ

Очилов Улуғбек Сайфуллоевич
ўқитувчи
Инглиз адабиётшунослиги Кафедраси
Бухоро Давлат университети
Ўзбекистон, Бухоро

Аннотация. Мақолада Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирий ижоди қиёсий таҳлил қилинган ва асарлардаги натурализм тамойиллари ўрганилган.

Калит Сўзлар: танқидий реализм, адабий метод, социалистик реализм, натуралистик тасвирлар.

Жаҳон адабиётшунослигида натурализм адабий оқим сифатида XIX аср охирида Францияда яралгани ва ривожланганлиги ҳамда унинг асосчиси француз ёзувчиси Эмиль Золя эканлиги тан олинган. Америка адабиётида эса натурализм дастлаб Франк Норрис ижодида намоён бўлди. Америка адабий танқидчилари Ричард Руланд ва Малколм Бредбериларнинг таъкидлашларича, Франк Норрис Францияда санъат ва адабиётдан таълим олган ва у ердан Эмиль Золя ижодидан таъсириланиб қайтгач, АҚШнинг Калифорния университетидеда ишлай бошлаган. У ўзи билан Эмиль Золянинг қатор асарларини олиб келган ва унинг натурализмнинг АҚШда ёйилишига замин яратган.

Гарчи натурализмга француз ёзувчилари асос солган бўлсалар-да, кейинчалик бу ижодий метод Европанинг бошқа давлатлари ва АҚШ ёзувчиларига катта таъсир кўрсатди. Айниқса, АҚШда бу методда ижод этган адиблар сони бошқа мамлакатлардан кўра анча кўп. Биз юқорида АҚШ натуралист ёзувчиларидан энг таниқли беш нафарини санаб ўтган эдик. Аммо кейинчалик ҳам АҚШда шу оқим таъсирида ижод этганлар мавжуд. Табиийки, ушбу оқим таъсирида ёзилган бадиий асарлар кўп бўлгандан кейин, улар ҳақида ёзилган илмий ишлар, баҳсу мунозаралар ва натижада умумлашмалар ҳам кўп бўлади. АҚШлик адабиётшуносларнинг бошқалардан фарқи шуки, улар натурализмнинг реализм заминида вужудга келганини эътироф этишлари билан бирга, бу асарлардаги протогонистлар, яъни бош қаҳрамонлар тақдири ва уларнинг таҳлилига алоҳида эътибор қаратганлар. Натурализм руҳида ёзилган асарлар қаҳрамонлари тақдирига уларнинг иродаси бўшлиги ёки қандайдир ҳолатларда ташқи муҳит таъсирига етарлича қарши тура олмаганликлари таъсир қилганини илмий далиллаб берганлар. Биз ҳам ўз илмий ишимизда шу йўлдан боришга ҳаракат қилдик. Натурализм ижодий методига реализмнинг бир тури сифатида ёндашиб, уни баъзида “натуралистик реализм” деб ҳам атадик. Адабиётшуносликда “танқидий реализм”, “социалистик реализм”, “янги реализм” (new realism) сеҳрли реализм (magic realism) каби атамалар қаторида “натуралистик реализм” атамасидан ҳам фойдаланиш мумкин деб

ўйлаймиз. Чунки бу атама натурализмнинг алоҳида бир ижодий метод эмас, балки реализмнинг бир кўриниши эканлигини таъкидлаб туради.

“Дженни Герхардт” романида ҳам камбағал оиладан чиққан қизнинг буржуа жамиятидаги фожиаси кўрсатилган. Бунда муаллиф оддий қизнинг хулқий покизалиги, одоблилиги, вафодорлиги, қалбининг мусаффолигини тасвирлаган.

Кўриниб турибдики, Драйзер “Бахтиқаро Керри” романида эгоист, яъни худбин аёл образини яратган бўлса, “Дженни Герхардт” асарида алтруист, яъни бошқаларни ўйлайдиган аёл образини яратган эди. Бу ҳам Драйзернинг яратувчилик маҳорати кенг, чуқур ва кўпқирра эканлигидан дарак беради.

Теодор Драйзер ўз асарларида америкача ҳаёт тарзининг ҳамма томонларига эътибор қаратар эди. Америкалик танқидчилар ва адабиётшунослар Драйзер тасвирлаган катта бизнес оламининг сўзсиз ишончли ва чуқур ифодаланганлигининг сири нимада эканлиги тўғрисида бош қотиришар, ва бу саволга яқдиллик билан бунинг сири муаллифнинг ҳаётни чуқур ва ҳар томонлама билишидадир, деган хулосага келишарди. “Америка фожиаси” воқеликни кенг камраб олиши, кўтарилган ғоя ва танқидий фикрларнинг чуқурлиги, бадиий маҳоратнинг юксаклиги билан жаҳон прогрессив адабиётининг энг яхши реалистик асарлари қаторидан жой олди.”

Абдулла Қодирийнинг 1925-1926 йилларда китоб ҳолида нашр этилган “Ўткан кунлар” романида тасвирланган воқеалар, ёзувчининг ўзи эътироф этганидек, 1264 ҳижрий, 1847-48 милодий йилдан бошланиб, 1269-ҳижрий, 1852-милодий йилда ниҳоясига етади. Бу асар ўзбек адабиёти тарихида яратилган биринчи роман бўлиб, унда тарихий воқеалар, ўша даврдаги оила, никоҳ, урф-адатлар, ота-она ризолигига бўлган муносабатлар нодир маҳорат билан тасвирланган. Аммо мунаққидлар ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган бу асар ҳақида анча вақтгача фикр билдирмаганлар.

Абдулла Қодирий асарларида ҳам ҳаётини ҳамда табиат манзараларини маҳорат билан тасвирлаш ҳолатлари кўп учрайди.

Табиат манзараларини икир-чикирлари билан тасвирлаш натуралистик тасвирларга хос бўлса-да, уларнинг асосий хусусияти эмас. Натурализмнинг (ёки натуралистик реализмнинг) асосий хусусияти ундаги асосий қаҳрамонларнинг, табиат ёки жамиятнинг бир зарраси сифатида, табиат ва атроф муҳитнинг таъсири олдида чорасизлигини кўрсатишдир. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларини тадқиқ қилиш жараёнида “Меҳробдан чаён” романи танқидий реализм, “Ўткан кунлар” эса натурализмга алоқадор деган фикрга келдик. Бу фикрни далиллаш учун ушбу романлардаги асосий қаҳрамонлар образларига мурожаат этамиз. Бу романларнинг асосий қаҳрамонлари кўпгина жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаса-да, жамият таъсирига берилишда, курашчанликда улар орасида катта фарқ бор. Жумладан, “Ўткан кунлар”нинг Отабеки ҳам, “Меҳробдан чаён”нинг Анвари ҳам ўз замонасининг пешқадам, зиёли ёшларидан. Гарчи Отабек азалдан бой оиланинг фарзанди, Анвар эса камбағал оилада туғилиб, кейинчалик юқори мавқега эришган бўлса-да, иккиси ҳам

атрофдагилар хурматини жойига қўювчи, одобли, диёнатли, камтарин, ҳам ботиний, ҳам зоҳирий жиҳатдан ўктам, мард йигитлар.

Биринчи навбатда Отабек ва Кумушни нега натуралистик образлар сирасига киритганимизнинг сабабларини аниқлаштирамиз. Отабек ва Анварнинг юқорида берилган сифатлашларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Юқоридпги жадвалдан кўриниб турибдики, Отабек ва Анварнинг табиати кўп жиҳатдан бир бирига ўхшаш, фақат ирода ва курашчанликда бир-биридан фарк қилади. Аслида Отабек ҳам иродали ва курашчан, у фақат бир ўринда иродасизлик қилади, севгиси учун курашолмайди, чунки у ота-онасининг розилиги олдида уларга бўлган хурмати туфайли ожиз. Мана шу ожизлик ва иродасизлик унинг уч кишини бахтсиз қилишига сабаб бўлади.

Ҳомид аёлларга инсон сифатида эмас, балки фақатгина эр ҳожатини чиқарадиган, унга тамоман тобеъ бўлган бир буюмсифат жондор сифатида қарайди, хотинларини вақт-вақти билан савалаб ҳам туради.

Абдулла Қодирийнинг уч йирик асари: “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ва “Обид кетмон” қиссасини ўрганиб, бу уч асардан фақатгина “Ўткан кунлар” романида натурализм хусусиятлари мавжудлигини кузатдик. Абдулла Қодирий том маънодаги реалист ёзувчи бўлиб, унинг ушбу уч асари реализмнинг уч кўринишида ижод этилган. “Меҳробдан чаён” романи танқидий реализм ижодий методининг нодир намунаси бўлса, “Обид кетмон” қиссасида социалистик реализм хусусиятлари кузатилди.

Абдулла Қодирий ва Теодор Драйзернинг ҳаёти ва ижоди чоғиштирмаси

Абдулла Қодирий	Теодор Драйзер
19-асрнинг иккинчи ярмида туғилиб, 20-асрнинг биринчи ярмида ижод этган (1894-1938).	19-асрнинг иккинчи ярмида туғилиб, 20-асрнинг биринчи ярмида ижод этган (1871-1945).
Ижоди асосан эндигина қурилаётган социализм даврига тўғри келган.	Ижоди асосан ривожланган капитализм даврига тўғри келган.
Ижодий эркинликка йўл берилмаган жамиятда яшаган.	Ижодий эркинлик нисбатан ривожланган жамиятда яшаган.
Ўзи яшаган жамиятни ўзи истаганича тасвирлай олмаслиги туфайли, тарихий романлар ёзиб, танқидий фикрлар билдирган.	Ўзи яшаган жамиятни қаттиқ танқид остига олган. Бунинг учун норозиликларга учраса-да, ҳаётига тажовуз бўлмаган.
Ижоди энг гуллаган даврда қатағон қилиниб, 44 ёшида отиб ташланган.	Ўз ажали билан 74 ёшида вафот этган.
Романларида тарихий воқеаларга мурожаат қилиб, тарих саҳифаларини ёритишга ҳаракат қилган.	Романларида асосан ўз замонасини тасвирлаб, замондошлари образини яратган

PHILOLOGICAL SCIENCES
MODERN PROBLEMS IN SCIENCE

Воқеа-ҳодисаларга реалистик, яъни ҳаққоний ёндашган.	Воқеа-ҳодисаларга реалистик, яъни ҳаққоний ёндашган
Танқидий реализм, натуралистик реализм ва социалистик реализмнинг айрим хусусиятларини мужассамлаштирган асарлар яратган	Танқидий реализм ва натуралистик реализм (натурализм) ижодий методида ижод этган
Марказий Осиё ва Ўзбекистонда роман жанрида биринчи бўлиб қалам тебратган ёзувчи, яъни ўзбек романчилининг отаси.	АҚШда Натуралистик реализм (натурализм)ни кенг ёйилишига сабабчи бўлган, уни такомиллаштирган ёзувчилардан бири.
Отабек ва Кумуш ижобий натуралистик образларини ҳамда Зайнаб ва Ҳомид салбий натуралистик образларини яратган	Клайд, Керри, Ҳерсвуд салбий натуралистик образларини яратган
Бош қаҳрамонларига замон ва макон таъсирини ёрқин ифодалаган	Бош қаҳрамонларига замон ва макон таъсирини ёрқин ифодалаган
Отабек ва Кумуш ота-она орзусининг, ўша даврдаги урф-одатлар таъсирининг қурбони	Клайд, Керри, Ҳерсвуд ўзлари яшаган жамият таъсирида бойликка, мансабга ўчлик натижасида жисмоний, ёки ахлоқий емирилган кимсалар образи
Асарларидаги ғоялар, фикрлар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган	Асарларидаги ғоялар, фикрлар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган
Жаҳон адабиёти хазинасини бойитган адиб	Жаҳон адабиёти хазинасини бойитган адиб
Асарлари ҳозирги даврда ҳам қизиқиш билан ўқилади.	Асарлари ҳозирги даврда ҳам қизиқиш билан ўқилади.
Қодирийнинг фақатгина “Ўткан кунлар” романидагина натурализм жиҳатлари кузатилади.	Драйзернинг деярли барча романларида натурализм хусусиятлари мавжуд

Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирий ижодини қиёсий ўрганиш шунини кўрсатдики, Драйзернинг деярли барча романларида натурализм хусусиятлари мавжуд, Қодирийнинг эса фақатгина “Ўткан кунлар” романидагина натурализм жиҳатлари кузатилади. Буни икки ёзувчи яшаган жамиятлар орасидаги фарқ билан изоҳлаш мумкин. Натурализм адабий оқими Ғарб давлатларида капитализмнинг энг тараққий қилган даврида ривожланди. Абдулла Қодирий яшаган маконда эса, гарчи социализмга ўтилди дейилган бўлса-да, ҳали ҳам кўп жабҳаларда феодал муносабатлар сақлаб қолинган эди. Теодор Драйзер асарларида натурализм

чўққисига етган бўлса, Абдулла Қодирий асарларида эндигина куртак отаётган эди. Бунда икки мамлакат орасидаги ижод соҳасидаги эркинлик ҳам маълум роль ўйнади.

1. Menken G. Theodore Dreiser. The Critical Reception. – New York, 1972. –712 p.
2. Theodore D. Sister Carrie. – Moscow: Higher school Publishing House,
3. 1968.
4. Қодирий, Абдулла. Танланган асарлар – Тошкент: Шарқ,2018.–880 б.
5. Ўзбекистон миллий кутубхонаси. Мангуликка дахлдор адиб. (Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан) –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2019. –б.100.
6. Норматов У. Қодирийнинг сўнгги илтижоси (Адиб ҳаётининг ўқилмаган саҳифалари) - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. - 64 б.
7. SAYFULLOYEVICH, Ochilov Ulughbek. Naturalistic Features In Abdulla Qodiriy's "Bygone Days". International Journal of Progressive Sciences and Technologies, [S.l.], v. 28, n. 2, p. 333-337, sep. 2021. ISSN 2509-0119. Available at: <<http://www.ijpsat.es/index.php/ijpsat/article/view/3514>>. Date accessed: 27 feb. 2022. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v28.2.3514>.
8. Ochilov, Ulugbek Sayfulloevich (2020) "NATURALISTIC IMAGES IN THE NOVEL “SISTER CARRIE” BY THE AMERICAN WRITER THEODORE DREISER," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 4 : Iss. 3 , Article 12. DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/3/3 Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss3/12>

MODERN PROBLEMS IN SCIENCE

139.	Колесник А.В. НАТУРАЛІЗМ В АНГЛІЙСЬКІЙ ТА УКРАЇНСЬКІЙ ЛІТЕРАТУРІ ЯК ЗАРОДЖЕННЯ НОВОГО ЕТАПУ РОЗВИТКУ СУСПІЛЬСТВА	643
140.	Михайлова Т.В. ТЕРМІНОЛОГІЧНА ПІДГОТОВКА ФІЛОЛОГІВ	645
141.	Очиллов У.С. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ТЕОДОР ДРАЙЗЕРНИНГ АСАРЛАРИДА НАТУРАЛИЗМ ТАМОЙИЛЛАРИ	650
142.	Пилипенко І.О. ПІДВИЩЕННЯ ЯКОСТІ СИНХРОННОГО ПЕРЕКЛАДУ ЗА ДОПОМОГОЮ СТРАТЕГІЙ	655
143.	Рижкова В.В. ОСОБЛИВОСТІ ТЕРМІНА В МЕЖАХ ПЕРЕКЛАДУ НАУКОВО- ТЕХНІЧНИХ ТЕКСТІВ	657
144.	Сеньків С.С., Новошицька Н.Б. ДИСТРИБУЦІЯ ФОНЕМ У ШЕСТИКОМПОНЕННИХ ПЕРВИННИХ КОРЕНЯХ СУЧАСНОЇ УКРАЇНСЬКОЇ ЛІТЕРАТУРНОЇ МОВИ	661
145.	Шейн І.О. ОСОБЛИВОСТІ ОПРАЦЮВАННЯ ВУЗЬКОСПЕЦІАЛІЗОВАНИХ ТЕКСТІВ ЗАСОБАМИ МАШИННОГО ПЕРЕКЛАДУ	671
PHILOSOPHICAL SCIENCES		
146.	Алтынбекова З.Т. ҒИБАДАТ ТҮРҒЫСЫНАН ДІНДЕРДЕГІ ҚҰЛШЫЛЫҚ МӘСЕЛЕСІ	674
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES		
147.	Yerkebay A., Orynbay Z. ЛОГИКАЛЫҚ ПРОГРАММАЛАУДЫ ЖАСАНДЫ ИНТЕЛЛЕКТ НЕГІЗІНДЕ ҚОЛДАНУ	678